

Тұлиқ консолидациялаш усулида бош ташкилот ва унинг шуъба тадбиркорлик субъектларига нисбатан амалга оширилади. Мутаносиб консолидациялаш тұлиқ консолидациядан фарқ қиласы активларга нисбатан асосан амалга оширилади. Асосан құшма фаолият ҳисоботларини бирлаштиришда күлланилади. Капиталдаги улушлар инвестор әгалигидаги тадбиркорлик субъектиларнинг әгалик улушларини ва ўзаро тадбиркорлик субъектларнинг мулк әгасининг, аъзосининг ёки иштирокчисининг улушларини Англатиш учун кенг маънода күлланилади. Бунда асосан инвесторнинг улуши назарда тутилади инвестиция объектининг соғ активлари балансда алоҳида сатр, улуш сифатида акс эттирилади.

**Хулоса ва таклифлар.** Корпоратив бош-қарув бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботини юри-тишда тезкор ва ишончли ахборотга эхтиёж се-зади. Молиявий ҳисботларни консолидация-лашган молиявий ҳисбот шаклида юритиш-нинг яна бир ўзига хос жиҳати ҳисбот маълу-мотларидан фойдаланувчилик учун хусусан инвестор акциядорлар учун бош компания молиявий ҳисбот кўрсаткичлари орқали унинг молиявий ҳолати ва унинг натижалари билиш имконияти мавжуд бўлади ва бир қанча назорат қилинувчи компаниялар устидан ягона маълу-

мот олиш имконияти борлигидадир. Хулоса сифатида айтганда, мамлакатимизда бизнес бирлашувларнинг амалга оширилиш ва корпоратив бошқарувда, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида ҳисоботларни тайёрлашга боқичма-босқич ўтиш заруратини юзага келтиради ва натижада:

Биринчидан консолидациялашган молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида амалга ошириш мамлакатимиз тадбиркорлик субъектлари учун халқаро капитал бозорларига қўшилиш имкониятини очадиган муҳим қадамлардан бири бўлади.

Иккинчидан молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ундан ахборот фойдаланувчилар талабларидан келиб чиқиб тузилган бўлиб, бошқарув ва иқтисодий қарорларни қабул қилишда ҳам асосий мезон ҳисобланади.

Учинчидан хорижий капитални жалб этишда инвесторларга тақдим этилаётган маълумотларда субъект бошқарув ҳисоби ва молиявий ҳисоботларда молиявий ахборотлар шаффоғлигини таъминлайди.

Түрткінчидан молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари талаблари асосида тайёрланған консолидациялашған ҳисоботлар халқаро иқтисодий тилда ҳисоботларни тайёрлаш имконини беради.

## *Манба ва фойдаланилган адабиётлар:*

1. Кўзиев И.Н., Авазов И. Консолидациялашган молиявий ҳисобот тузишнинг назарий асослари. "Халқаро молия ва ҳисоб" илмий электрон журнали. № 4-5, август-октябрь, 2018 йил
  2. Очилов И. МХХС талаблари бўйича суғуртга компанияларида консолидацияланган молиявий ҳисоботни тузишни такомиллаштириш <https://uzjournals.edu.uz/interfinance> Vol. 2020 : Iss. 2 , Article 26.
  3. Сигидов И, Настенко Д.А, Актуальные проблемы формирования консолидированной финансовой отчетностию. Международный бухгалтерский учет 9 (255) – 2013
  4. Плотников В.С. ва О.В Плотникова Анализ теоретических основ концепции консолидированной финансовой отчетности *Economic Analysis: Theory and Practice ISSN 2311-8725 (Online) 11 (2016) 90–103*
  5. Д.В.Исаев, Т.К.Кравченко Автоматизированные системы формирования консолидированной финансовой отчетности Учебное пособие Москва – 2006 139 б
  6. IFRS 3 Business Combinations <https://www.iasplus.com/en/standards/ifrs/ifrs3>
  7. IAS 27 Consolidated and Separate Financial Statements <https://www.iasplus.com>
  8. IFRS 10 Consolidated Financial Statements <https://www.ifrs.org/>



# **КОРХОННИНГ МОЛИЯВИЙ СТРАТЕГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА АМАЛИЁТГА ЖОРЙИ ЭТИШ**

[https://doi.org/10.55439/ECED/vol23\\_iss1/a38](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss1/a38)

**Сайдназаров Фирдавс Абдуллоевич**  
**ТДИУ докторант**

**Аннотация:** Корхоналарнинг бозор муносабатлари шароитида бир маромда фаолият кўрсатиши жуда кўп омилларга боғлиқ. Бундай шароитда узоқ муддатли молиявий мақсадлар ва вазифаларни белгилашда стратегик ёндошув амалга оширмасдан, инвестиция лойиҳаларини амалага ошириш натижасида ҳарқандай барқарор натижага эришиши жуда қийин бўлади. Мақола турли соҳалардаги корхоналар ва айниқса "Ўзбекеџидроэнерго" АЖнинг молиявий қарорлар қабул қилишадаги стратегик ёндошувни қўллаш моҳияти тасвириланган.

**Калит сўзлар:** стратегия, стратег, молиявий стратегия, рақобат, гидроэнергетика.

**РАЗРАБОТКА И РЕАЛИЗАЦИЯ ФИНАНСОВОЙ СТРАТЕГИИ ПРЕДПРИЯТИЯ**

**Сайдназаров Фирдавс Абдуллоевич -**  
ТГЭУ докторант

**Аннотация:** Бесперебойная работа предприятий в рыночной экономике зависит от многих факторов. В таких условиях без стратегического подхода к постановке долгосрочных финансовых целей и задач будет очень сложно добиться каких-либо устойчивых результатов в результате реализации инвестиционных проектов. В статье описывается важность использования стратегического подхода к принятию финансовых решений предприятиями различных сфер, и в частности АК «Узбекгидроэнерго».

**Ключевые слова:** стратегия, стратег, финансовая стратегия, конкуренция, гидроэнергетика.

**DEVELOPMENT AND IMPLEMENTATION OF THE FINANCIAL STRATEGY OF THE ENTERPRISE**

**Saidnazarov Firdavs Abdulloevich -**  
TSUE doctoral student

**Annotation:** The smooth operation of enterprises in a market economy depends on many factors. In such circumstances, without a strategic approach to setting long-term financial goals and objectives, it will be very difficult to achieve any sustainable results as a result of the implementation of investment projects. The article describes the importance of applying a strategic approach to financial decision-making by enterprises in various fields, especially JSC "Uzbekhydroenergo"

**Keywords:** strategy, strategist, financial strategy, competition, hydropower.

**Кириш.** Ҳар қандай иқтисодий тизимда рақобат муҳим ҳисобланади. Айниқса бозор муносабатлари шароитида корхоналар бозорда муқим жой олиши учун улар ўз стратегияларини ишлаб чиқиши тақозо этади. Булар орасида молиявий стратегия ҳал қилувчи ролга эга бўлади. Корхоналар молиявий стратегияларини тўғри ишлаб чиқиши ва уни амалга ошириши, корхона маблағларини оптимал бошқаришни таъминлайдиган, бу корхоналар рақобат муҳитида бозор таваккалчилиги шароитида “яшаб қолиш” қолаверса, ривожланишга катта омил бўлади.

Молиявий стратегия ҳар қандай корхонанинг юқори самарали молиявий фаолиятини таъминлашда улкан роль ўйнайди, чунки, бу унинг барча асосий фаолият йўналишларига таъсир қиласди. У корхонанинг молиявий ресурслардан фойдаланшнинг мумкин бўлган йўналишини шакллантириш, жалб қилиш ва белгилашни ўз ичига олади.

Бизнеснинг глобаллашуви истеъмолчиларнинг талабининг тез ўзгариши ва товарларнинг яшаш даврининг қисқариши саноат корхоналари нафақат ташқи муҳитни таҳлил қилиш ва баҳолашга, келажакда унинг ўзгаришини прогноз қилишга, балки мувозанатни сақлайдиган стратегик бошқарув тизимини яратишга мажбур қилмоқда.

**Мавзуга оид адабиётлар шарҳи.** Стратегия атамаси иқтисодиётга ҳарбий фаолиятдан келиб чиқиб “жангда қўшинларни бошқариш санъати” (stratus” армия, “ago” етакчи) деган маънони англатади[1]. Кўпинча эслатиб ўтиладиган қадимги хитойлик стратег ва ҳарбий раҳбар Сунъ Цзи унинг “Уруш ва бошқарув санъати”

рисоласида кўймондонларнинг турли вазиятларда ўзини тутишни аниқлайдиган стратегик моделларини кўрастиб ўтган.

Замонавий шароитда корхона стратегияси унинг ривожланишига йўналтирилган бўлиши керак, чунки, хўжалик юритучи субъект фаолиятида олдинга силжиш йўқлиги уларнинг бозордаги мавқенини йўқотишга олиб келади ва рақобатбардошликини оширишга ёрдам бермайди. Бунда корхона стратегиясини шакллантиришнинг моҳияти, принципларини ташкил этиш босқичларига эътибор қаратиш лозим бўлади.

Шундан келиб чиққан ҳолда корхоналар стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш юзасидан излаш олиб борган иқтисодчи олимлар “стратегия” атамасига қўйидаги замонавий ёндошувларни келтириш мумкин. Чунки, А.Чандлер стратегияни корхонанинг узоқ муддатли мақсадларини унинг ҳаракат дастурини ва ресурсларни тақсимлашнинг устувор йўналишларини белгилаш усули сифатида баҳоласа[2], М.Порттер стратегия ташқи имконият ва таҳдидларга ички кучли ва заиф томонларига жавоб бериш деб изоҳлайди[3]. Г.Минцберг эса, стратегия бошқарув қарорларнинг изчил, мувофиқлаштирган ва яхлит тузилмаси себеб қарайди[4]. А.Томпсон стратегияни белгиланган самарадорлик кўрсаткичларига эришиш учун ҳаракатлар ва ёндошувлар тўплами деб таърифлайди[5]. П.Друкер эса стратегия бу-бизнес назариясини амалда тадбиқ этиш усули, унинг мақсади корхонага керакли натижаларга эришиш имкониятини беришидир деган таърифни келтиради[6].

Хозирги замонавий стратегиялаш назарияси ва амалиётига ҳисса қўшиб келаётган

Россиялик иқтисодчи олим Владимир Квантнинг стратегияга бирқатор тарифларни берган.

1) Стратегия-бу таълимотни излаш, ифода-лаш ва ривожлантириш тизими бўлиб, у изчилик билан ва тўлиқ амалга оширилигандан узоқ муддатли муваффақтни таъминлайди.

2) Стратегия – бу стратегик фикрлаш, чуқур билим ва интуиция асосида муҳитни, келгуси шартларнинг мажуд прогнозларини тизимли таҳлил қилиш натижасидир.

3) Стратегия бу – келажак ва номаълумлик парокандалиги орқали синовдан устуворликлар ва мақсадлар сари йўл бошловчидир. Бу ресурслар чекланганлиги баҳолаш орқали хужумнинг тўғри танланган йўналиши билан бойитилган донишмандликдир деб таъриф берилган[7]. Корхоналар фаолияти самарадорлигини таъминлашда корпоратив стратегияни шакллантириш ва амалга ошириш истиқболли молиявий режалаштиришнинг асоси бўлиб хизмат қиласиди. Бунда корхоналар миқёсида молиявий стратегияни шакллантириш учун, аввало, молиявий стратегиясининг моҳияти, принципларини ташкил этиш босқичлари ва бу борада эътибор қаратиш лозим бўлган жиҳатларни ўрганиб чиқиши зарурат қилиб қўяди. Шундан келиб чиққан ҳолда хўжалик субъектларида молия стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш юзасидан изланишлар олиб борган олимлардан Россиялик иқтисодчи олим И.А. Лисовская компания молиявий стратегиясини корхоналар молиявий ривожланишига салбий таъсир этувчи омилларни нейтраллаштириш ва корхонанинг реал имкониятларини бошқариб бориш воситаси сифатида изоҳлади[8]. Л.В. Билькунинг сўзларига кўра, молиявий стратегияси "...молиявий компонентнинг асосий кўрсаткичлари тузилмасида яхлит ривожланиш йўналишларини амалга ошириш орқали назорат қилинадиган молия соҳасидаги ташкилот фаолиятини ваколатли ва мувозанатли бошқаришнинг асосий элементи, шунингдек, муайян молиявий ноаниқлик ва чалкашлик шароитида иқтисодий муносабатларни давлат томонидан назорат қилиш тизимидир"[9] деб тарифлайди.

Шунингдек, украиналик иқтисодчи олим И.А.Бланк томонидан "Молиявий стратегия корхонанинг муҳим функционал стратегияларидан бири бўлиб, ташкил воситалар ўзгарувчанлиги шароитида узоқ муддатли молиявий мақсадларни шакллантириш, улар муваффақиятини таъминлашнинг энг самарали йўлларини танлаш, молиявий ресурсларни шакллантириш ва улардан фойдаланиш йўналишларини корректировка қилиш йўлида молиявий фаолият ва молиявий муносабатларни ривожланишишнинг барча асосий йўналишларини таъминлашни ўзида акс эттиради"[10] дея изоҳланади. А.И. Тимчен-

ко Молиявий стратегия корхонанинг самарали ривожланиши, узоқ муддатли умумий ва молиявий мақсадларни амалга ошириш механизми таъминлашдир[11]. Иқтисодчи А.К.Вилкомир молиявий стратегияни келажакка мўлжалланган ва корхонанинг кенг кўламли вазифаларини ҳал қилишни ўз ичига олган молиявий сиёсанинг узоқ муддатли йўналиши сифатида белгилайди[12].

Маҳаллаий олимлардан Х.Асатуллаев молиявий стратегия - бу прогнозлаш, молиявий сиёсанни амалга оширишларда пайдо бўлаётган шароитларни яхшилаб ўрганиб ва кўриб чиқишига имкон беришини[13]. С.Элмирзаев Молиявий стратегия корхонанинг муҳим функционал стратегияларидан бири бўлиб, ташкил мухит ўзгарувчанлиги шароитида узоқ муддатли молиявий мақсадларни шакллантиришини[14].

А.Бурханов молиявий стратегия корхона фаолиятининг энг муҳим томонларини қамраб олади, молиявий ресурсларнинг шаклланиши ва фойдаланишда зарур бўладиган ҳолатни олдиндан назорат қилишни таъминлайди, корхонанинг молиявий шароитини мустаҳкамлаш учун шароит яратади[15] деб тарифлар берилган.

**Тадқиқот методологияси.** Корхоналарда молиявий стратегияни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш бўйича дунё олимлари ва иқтисодчилари томонидан олиб борилаётган тадқиқотларни ўрганиш, маълумотлар тўплаш, тўпланган маълумотларни таҳлил қилиш, мантиқий фикрлаш каби иқтисодий тадқиқот усулларидан кенг фойдаланилди.

**Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.** Дарҳақиқат, бугун жаҳон бозорида рақобат муҳити жуда чигаллашиб, ўзаро интеграция алоқалар чуқурлашиб, бозор топиш муаммоси глобал тус олаётган бир шароитда Ўзбекистонда компаниялар ва уларнинг таркибига кирадиган корхоналардан ўзларининг молиявий стратегияларини пухта ва мукаммал ишлаб чиқишина тақозо этади. Республикаиз иқтисодиёти учун ўта муҳим йирик компаниялардан бири ҳисобланган "Ўзбекгидроэнерго" АЖ ҳам гарчи, ташкил бўлганига кўп бўлмаган бўлсада, унинг молиявий маблағларининг тўғри бошқарилиши бўйича молиявий стратегиясини яратиш ҳам ўта дол зарб ҳисобланади. Шу жиҳатдан биз мақомизда мазкур акциядорлик жамиятининг молиявий стратегиясини хусусиятларини таҳлил қилишга ҳаракат қиласиз.

"Ўзбекгидроэнерго" АЖнинг молиявий стратегияси дунёда тобора кучайиб бораётган глобал энергетик ўтиш даврида энергия тизимини ўзгартириш, келажакнинг тоза марказлаштирилган ва рақамли энергиясини яратишга қаратилган бўлиб, уни ишлаб чиқишида жаҳон ва мамлакатнинг иқтисодий ҳолати, макроиктисо-

дий прогнозлар, шунингдек, энергетика сектори ва жаҳон энергетика компаниялари ривожланишининг асосий жаҳон тенденциялари инобатга олинган. Шу билан бирга мамлакатнинг асосий стратегик мақсад ва вазифалари ҳисобга олинган. Шунингдек, ишончли энергия таъминоти ва электр иншоотлари хавфсиз ишлашнинг таъминлаш, тоза энергия ишлаб чиқаришга йўналтирилган ҳолда электр энергияси ишлаб чиқиши барқарор ривожлантириш ва “Ўзбекгидроэнерго АЖ” қийматини оширишга қаратилган.

Электр энергия мамлакат иқтисодиётининг ривожланиши белгилайдиган асосий саноатdir. Ўзбекистон миллий иқтисодиёти ва ахолисининг электр энергиясига бўлган эҳтиёжи, иқтисодий ривожланиш даражаси, энергия самарадорлиги ва энергияни тежаш билан белгиланади. Ушбу омиллар ўзаро боғлиқ ва биргалиқда республикани ижтимоий иқтисодий ривожланишининг мумкин бўлган сенарияларини шакллантиради.

Бугунги кунда Ўзбекистонда мавжуд гидроэнергетика салоҳиятининг 23-24% ишлатида, яъни, йилига 7 миллиард кВт.соат электр энергияси гидроэнергия станциялар томонидан республикада ишлаб чиқарилган бўлиб, бу барча электр энергиясининг 13 фоизни ташкил этади. Мамлакатда сув-энергетика ресурсларидан самарали фойдаланиш, замон талабига мос гидроэнергетика тизимида бошқарув усулларини жорий этиш зарурат бўлмоқда.

“Ўзбекгидроэнерго” АЖ Ўзбекистон республикаси сув энергетика салоҳиятини янада ривожлантириш ва мавжуд имкониятларидан

самарали фойдаланиш, гидроэнергетик салоҳиятини комплекс ўзлаштириш асосида гидроэнергетика соҳасини ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш борасида республикадаги ягона ташкилот ҳисобланади. “Ўзбекгидроэнерго” АЖ мамлакатимизда табиий сув энергиясидан оқилона фойдаланиш янги ГЭСларнинг қуриш, мавжудларни модернизация қилиш борасида тизимли ишларини амалга ошириб келмоқда.

Ўзбекистон Президентининг 2017 йил 2 майдаги қарори билан 2017-2021 йилларда гидроэнергетикани янада ривожлантириш чоратадбирлари дастури маъқулланган эди. Бу дастурга жами 3 миллиард 400 миллион долларлик 65 лойиҳа киритилган бўлиб, шундан 34 таси янги қувватлар ташкил этиш, 31 таси мавжудларини модернизация қилишга қаратилган. Бугунги кунда 1 минг 100 мегаваттлик 12 та лойиҳа ишга туширилган. 950 мегаваттлик яна 20 та лойиҳа якуний босқичда амалга оширилмоқда.

“Ўзбекгидроэнерго” АЖ томонидан умумий қиймати 1 миллиард 420 миллион доллар бўлган 16 та лойиҳа режалаштирилган. Ҳусусан, 11 та янги гидроэлектростанцияси қурилиб, 587 Мвт электр қуввати яратилади. Қолган 5 та лойиҳага кўра, мавжуд станциялар модернизация қилиниб, ишлаб чиқариш имконияти кенгайтирилади[13]. Жамиятнинг ислоҳ қилиш мақсадида, трансформация дастури ишлаб чиқилган. Бугунги кунда, асосий трансформация чора тадбирларидан бири ишлаб чиқариш йуналишини диверсификация қилиш ҳисобланади.

## 1-жадвал

### “Ўзбекгидроэнерго” АЖ томонидан амалга оширилаётган трансформация тадбирлар

1. “Ўзбекгидроэнерго” АЖ	2017 йил 18 майда ташкил этилди (ПФ-5044)
2. Янги тизими	Сув энергетика ресурсларини бошқаришнинг ягона тизими шакллантириш
3. Бошқарув яхлитлиги	“Ўзсувэнерго” бирлашмаси ва “Ўзбекгидроэнерго” АЖ тизимида ГЭСлар биритириш.
4. Курилиш ва модернизация	Янги гидроэлектростанциялар қуриш ва ишлаб тургандарни модернизациялаш
5. Инвестиция	Халқаро компаниялар ва молия институтлари билан ҳамкорликни ривожлантириш
6. Табиатни асраш	Сув ресурсларни самарали бошқариш
7. Кадрлар	Кадрларни тизимли асосида тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш

**Манба:** Тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Президент Шавкат Мирзиёев “Хозирги вақтда давлат иштирокидаги корхоналарнинг аксарияти молиявий барқарор бўлмаганлиги учун давлатга оғир юқ бўлиб қолмоқда. Шунинг учун жорий йилдан барча давлат корхоналарини ислоҳ қилиш давстури амалга оширилмоқда. Жумладан Навоий кон-металургия компанияси, “Ўзбекнефтигаз”, “Ўзбекгидроэнерго”, “Ўзавто-саноат” акциядорлик жамиятлари халқаро молия бозорига чиқиб, давлат кафолатисиз маблағ

жалб қилиш имкониятига эга бўлади” деб таъкидладилар [16].

Замонавий дунёда миллий ўзбек корхоналарида бозорда глобаллашув ва интеграция жараёнлари рўй бермоқда, бу эса молиявий стратегияни корхона молиявий жараёнларини стратегик бошқариш учун зарур восита сифатида ўрганиш долзарблигини оширади.

Корхоналарнинг фаолият кўрсатиши тенденциялари ва қонуниятларини таҳлил қилиш

ҳамда стратегик тамойиллари асосида унинг рақобатбардошлигини ошириш зарурлиги баҳоланади. Барқарорлик - корхона фаолиятининг натижадорлигидан, рақобатбардош салоҳиятини амалга оширишдан, рақобатбардошлик эса - корхонанинг ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш ҳамда рақобатбардош

маҳсулотни сотишдаги имкониятини белгилашдан иборат бўлганлиги учун, бу тушунчаларнинг бирга қўшилишини ҳисобга олиш, корхонага ўз рақобатбардошлигини оширишнинг оптимал стратегиясини шакллантириш имконини беради.

## 2-жадвал

### “Ўзбекгидроэнерго” АЖ да рақамли трансформацияни амалга ошириш чора-тадбирлари

№	Бажариладиган тадбирлар
1	Ресурсларни режалаштириш орқали (Enterprise Resource Planning - ERP) ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштириш
2	Гидроиншоотларни хавфсизлигини таъминлаш бўйича дастурий таъминот ишлаб чиқиш
3	Гидротехник иншоотнинг замонавий автоматик мониторинг тизимини яратиш (Supervisory Control And Data Acquisition - SCADA)
4	Гидротехник иншоотларни автоматик диагностика ахборот тизимини яратиш
5	Гидроэлектростанциялар ўртасида маълумотларни узатишни таъминловчи концепциясини ишлаб чиқиш (Energy Management System - EMS)

**Манба:** Тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Гидроэлектростанциялар томонидан ишлаб чиқариладиган электр энергияси Республика ички худудида ҳосил бўладиган сув захиралари ҳамда трансчегаравий дарёлар орқали келадиган сув сарфлари миқдорига боғлиқ. “Ўзбекгидроэнерго” АЖ мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш ҳолати бўйича 2020 йилда жамият таркибида гидроэлектростанциялар томониданишлаб чиқарилиши белгиланганрежадаги электр энергиясининг 6100

млн.кВт.соат бўлиб, амалда бу кўрсаткич 5020,5 млн.кВт.соатни (82 фоизни) ташкил этади. Режадаги кўрсаткичларнинг тўлиқ бажарилмаслиги сабабли йилнинг кам сувли бўлганлигидир. Гидроэлектростанцияларнинг ўрнатилган қувватидан фойдаланиш кўрсаткичи 2020 йилда амалда 1967,1 МВтга нисбатан 573,1 МВтни ёки 29,1 фоизни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2021 йилда 2004,5 МВт қувватига нисбатан 723,9 МВт ёки 36,1 фоизни ташкил этилган.

## 3-жадвал

### “Ўзбекгидроэнерго” АЖ ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш даражаси

№	Маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	Қуввати	Қувватдан фойдаланиш			
				2019 й.	%	2020 й.	%
1	Электр энергияси	МВт	1967,1	743,5	39%	573,1	29,1%

**Манба:** Тадқиқотчи томонидан “Ўзбекгидроэнерго” АЖ маълумотлари асосида тузилган.

“Ўзбекгидроэнерго” АЖ томонидан 2021 йилда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 6200 млн.кВт.соатни ташкил этилган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 1179,5 млн.кВт. соатга кўп ёки 123 фоизни ташкил қиласди.

Маҳсулот ишлаб чиқаришда асосий омил бўлиб ҳисобланган сув ресурсларининг вегетация даврини инобатга олган ҳолда чораклар кесимида ишлаб чиқариш кўрсаткичлари қўйидагича.

## 4-жадвал

### “Ўзбекгидроэнерго” АЖнинг 2021 йил учун ишлаб чиқариш кўрсаткичлари

№	Кўрсаткичлар, бажариладиган ишлар, маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	2019 йил	2020 йил		2021 йил	Ўсиш, %	Жумладан:			
				режса	амалда			1-чорак	2-чорак	3-чорак	4-чорак
I. Жамият бўйича											
1	Электр энергияси	млн.кВт. соат	6 512,9	6100,0	5 020,5	6 200,0	123%	909,7	2 011,3	2 103,0	1 176,1

**Манба:** Тадқиқотчи томонидан “Ўзбекгидроэнерго” АЖ маълумотлари асосида тузилган.

“Ўзбекгидроэнерго” АЖ томонидан 2021 йилда маҳсулот сотиш ҳажми 1 330,4 млрд. сумни ташкил этган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 23,6 фоизга кўп миқдорни ташкил қиласди. Жамият табиий монополия субъекти

сифатида мамлакат гидроресурсларидан фойдаланган ҳолда экологик тоза электр энергиясини ишлаб чиқаришга мослашганлиги сабабли, маҳсулот сотишдаги 100 фоиз улуш электр энергиясига тўғри келади.

#### 5-жадвал

#### “Ўзбекгидроэнерго” АЖнинг 2021 йил учун маҳсулот (хизмат)лар кўрсаткичи

млрд, сўм

№	Кўрсаткичлар, бажариладиган ишлар, маҳсулот номи	2019 йил	2020 йил		2021 йил	Усиш, %	Жами соф тушум даги ўзуши	Шу жумладан			
			режса	амалда				1-чорак	2-чорак	3-чорак	4-чорак
<b>I. Жамият бўйича</b>											
1	Жами соф тушум (эрги солиқларсиз)	1 216 244	1 310 005	1 075 859	1 330 429	23%	100%	194 482	432058	451881	252007
<i>шу жумладан, маҳсулот тури бўйича</i>											
2	Электр энергияси	1 216 244	1 310 005	1 075 859	1 330 429	23%	100%	194 482	32058	451881	252007


**Манба:** Тадқиотчи томонидан “Ўзбекгидроэнерго” АЖ маълумотлари асосида тузилган.

“Ўзбекгидроэнерго” АЖ таркибидаги гидроэлектр станциялар бўйича 2020 йилда жами сотишдан тушган соф тушуми 1 225,4 млрд. сўмни ташкил қиласди. Мазкур кўрсаткич 2021 йил якунига кўра, 1 075,9 млрд. сўмни ташкил қилиши ўсиш суръати эса, 2020 йилга нисбатан 88 фоиз бўлиши кутилмоқда. Бунинг асосий сабаби юқорида айтиб ўтганимиз 2021 йилда республика дарё ва сув ҳавзаларидағи сув ҳажмининг ўтган йилларга нисбатан кескин тушиб кетиши сабаб бўлган.

Соҳани узоқ муддатли ривожлантиришни амалга ошириш учун гидроэнергетика лойиҳаларини молиялаштириш манбаларида “Ўзбек-

гидроэнерго” АЖ ГЭСлари томонидан ишлаб чиқариладиган электр энергиясини сотишдан, шунингдек, Хитой Халқ Республикаси молия институтларидан 2,697 миллион доллар, Россия Федерацияси - 55,76 миллион доллар. ва Халқаро тараққиёт ташкилоти - 6,46 миллион доллар маблағ жалб қилиш кўзда тутилган.

Бир вақтнинг ўзида катта ва кичик гидроэлектростанцияларни қуриш ва мавжуд гидроэлектростанцияларни модернизация қилишни таъминлаш учун лойиҳаларни мос равища 50,5%, 23,6% ва 25,8% нисбатида молиялаштириш режалаштирилган.



#### 1-расм. “Ўзбекгидроэнерго” АЖ томонидан лойиҳаларни молиялаштириш нисбати

**Манба:** Тадқиотчи томонидан “Ўзбекгидроэнерго” АЖ маълумотлари асосида тузилган.

Натижада йиллик электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажмининг 1603 миллион кВт. соатга кўпайиши таъминланади, шу билан бирга “Ўзбекгидроэнерго” АЖ таркибида ишлаёт-

ган 61 ГЭС бўлади, умумий электр энергияси ишлаб чиқариш эса 9533 миллион кВт соатни ташкил қиласди. Гидроэлектростанциялар томонидан ишлаб чиқарилаетган электр энергияси

атроф мұхиттегі таъсири йүқлиги сабабы экологик тоза энергия ҳисобланади. Бугунғи күнде Гидроэлектростанциялар фаолияти экологик мезонларға амал қилиш бүйічә рухсат этилган чегаравий ташламалар (ПДС), рухсат этилган чегаравий чиқындилар (ПДО), Рухсат этилган чегаравий заарлар (ПДВ) ҳамда Сувдан маңсус фойдаланиш учун рухсатнома (РСВ) каби норматив хужжатлари билан тартибга солинади.

**Холоса ва таклифлар.** Амалға оширилған тадқиқотлар натижасыда қуидаги холосалар тизимлаштирилди. Фикримизча жамиятда ислохотлар амалға ошириш орқали қуидаги нағижаларға эришиш мүмкін:

- "Green energy" дастурини жорий этиш орқали, экологик тоза электр энергияни ишлаб чиқариш улушини ошириш;
- жамиятнинг иқтисодий ва молиявий самарадорлигини ошириш
  - янги иш ўринларини яратиш;
  - бошқарув тизимини тақомиллаштириш;
  - янги энергия тежовчи технологияларини ишлаб чиқариш жараёнига жорий этиш;
  - бошқарув ва ишлаб чиқариш тизимларини рақамлаштириш орқали самарадорликни оширишга эришади.

Тармоқнан ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқышнинг асосий вазифалари бўлиб, бизнингча қуидагилар ҳисобланади:

- барча талабларни ҳисобга олган холда истеъмолчиларни электр энергияси билан таъминлаш;
- тармоқнинг тезкор ривожланишига тўсқинлик қилувчи структуравий муаммоларнинг энг самарали ечимини таъминлаш;
- табиий ва сунъий очиқ сув оқимларини ривожлантириш стратегияси ва илмий-техник потенциали устувор йўналишлари реализацияси;

#### *Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:*

1. Сунъ Цзи Уруш ва бошқарув санъати "Нева" нашриёт уйи, 2003. - 160 б.
2. Chandler, Alfred D. *Strategy and Structure: Chapters in the History of the American Industrial Enterprise / Chandler, Alfred D. – Cambridge, MA: MITPress, 2016.*
3. М.Порттер Конкурентная стратегия: Методика анализа отраслей и конкурентов – М.: Альпина Бизнес Букс, 2005. 454 с.
4. Минцберг, Г. Школы стратегий / – СПб.: изд-во Питер, 2000. – 336 с.
5. Томпсоу А.А., Стрикланд А. Дж. Стратегический менеджмент. Искусство разработки и реализации стратегии: Учебник для вузов. – М: Банки и биржы, ЮНИТИ, 1998. - 576 с.
6. Друкер, П. Задачи менеджмента в 21 веке / П. Друкер. – М.: Издательский дом Вильямс, 2000. – С. 103–104
7. Квинт В.Л. Стратегиялаш назарияси ва амалиёти: дайджест. / Тошкент: Тасвир, 2018.- 160 б.
8. Лисовская И.А. Методология формирования финансовой стратегии Российской компаний. Автореферат докторской диссертации на соискание ученой степени доктора экономических наук. – М., 2009. – С. 4.
9. Билько Л.В. Финансовая стратегия как важная составляющая общей стратегии компании Экономика и социум. - 2018. - №1(44). - С.122-125.
10. Бланк, И.А. Финансовая стратегия предприятия. – К.: «Ника-Центр», «Эльга», 2018. – 239 (711 с.)
11. А.И. Тимченко, Методы и инструменты разработки финансовой стратегии организаций. *Journal of Economy and Business, vol. 7 (77), 2021*
12. А.К.Вилкомир Сборник научных работ серии «Финансы, учёт, аудит». Вып. 20 / ГОУ ВПО «ДонАУиГС». – Донецк: ДонАУиГС, 2020. – 233 с.
13. Х.Асатуллаев, Б.Турсунов, А.Маманазаров. Корхоналарни ривожлантириш стратегияси. (Маъruzalар матни).– Т.: 2019, 224 бет. (520 бет.)
14. С.Элмирзяев, Ҳ.Аҳмедов. Корпоратив молия стратегияси. Дарслик. – Т.: 2019 йил, 18 б. (200 бет.)
15. Бурханов А.У., Ҳамдамов О.Н, Молиявий манежмент Дарслик-Т-2020 йил 468 бет.
16. Мирзиёев Ш.А. Янеи Ўзбекистон стратегияси Тошкент: "Ўзбекистон" нашриёти, 2021 й.464 бет.
17. uzgidro.uz

- устувор вазифаларни бажариш бүйича тадбирларнинг тартибини қучайтириш;

- фуқаролик жамияти тармоқ ва республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг мухим муаммоларини энг кам харажатлар билан ҳал қилишда қатнашиши учун қулай шароитларни яратиш;

- энергетика тизимида тартибга соладиган қувватларни яратиш;

- республикада ишлаб чиқаришни локализация қилиш билан замонавий гидроэнергетика ускуналаридан фойдаланиш каби ва шу кабилар.

Холоса ўрнида айтиш мүмкінки, корхонани самарадорликка эришиш учун, аввало, бошқарувнинг мақсадлари, шунингдек, воситалари ва унга эришиш усулларини аниқ белгилаб олиш зарур. Юқори сифатли ва рақботбардош маҳсулотларни энг кам харажатлар асосида ишлаб чиқариш энг кўп даромад олишни таъминлаб, инқизозга учрашдан сақлайди ҳамда ҳар бир корхонанинг асосий вазифаси ҳисобланади. Стратегиянинг барча вазифалари ушбу мақсад амалға ошишига хизмат қилиши лозим.

Шундай қилиб, замонавий корхоналар маълумотларини таҳлил қилиб, маълум стратегик бошқарув усуллари орқали корхонанинг молиявий бошқарувини тақомиллаштириш жараёнини фаоллаштириш керак. Айни пайтда бу нафақат янги услубий ёндашувларни ишлаб чиқиш, балки корхонада мавжуд молиявий ечимлар тизимини ўзгартириш ва уларни келажакда энг кам ҳавф билан модернизация қилишдир. Услубий ёндашувларни амалиётда қўллаш корхона ҳолатининг молиявий кўрсаткичларини баҳолашнинг тўғрилигини оширади. Молиявий ҳолатни ҳар томонлама батафсил таҳлил қилиш сизга корхонанинг молиявий ресурсларини яхшилаш мақсадида тегишли стратегияни ишлаб чиқишига имкон беради.